

Семинар

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки ҳамда Европа
тикланиш ва тараққиёт банки
ҳамкорлигида “Банк соҳасида ген-
дер интеграцияси бўйича илғор
тажриба” мавзусида семинар
ташқил этилди.

ГЕНДЕР ИНТЕГРАЦИЯСИ БЎЙИЧА ИЛҒОР ТАЖРИБА



Тадбирда барча тижорат банкларининг гендер масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши раислари ва аъзолари иштирок этди. Таъкидланганидек, банк соҳасида бугунги кунда умумий ходимлар сонининг қарийб 38 фоизини аёллар ташқил қилади.

Иштирокчилар даставвал ялпи, кейин эса шўъба йиғилишларида қатнашдилар. Соҳа мутахассисларига гендер интеграцияси бўйича умумий маълумот берилиб, гендер тамойилларини жорий этиш бўйича илғор халқаро тажриба ва воситалар, шунингдек, гендер хилма-хилликни рағбатлантириш амалий мисоллар ёрдамида тушунтирилди.

Бу каби тадбирлар банк соҳаси вакилларининг гендер тенглик йўналишидаги илғор халқаро амалиёт билан танишиши, банкларнинг бизнес-стратегияси ва оператив фаолиятига гендер ёндашувларини интеграция қилиш бўйича билими ва маалакаларини оширишга ёрдам беради.

Марказий банк:

НИЗОМ ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМАДА

“Марказий банк томонидан молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режимни жорий этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, www.regulation.gov.uz порталига муҳокама учун жойлаштирилди.

Молиявий хизматлар соҳасидаги махсус ҳуқуқий режим (“тартибга солиш кумдони”) юридик шахсларга янги молиявий операциялар, технологиялар

Байрам тухфаси

“НАМКОРБАНК” АТБНИНГ КЕНЖА – МИРОБОД ФИЛИАЛИ ОЧИЛДИ

Янги филиалнинг очилишига бағишланган тадбирда Миробод тумани ҳокимлиги вакиллари, тадбиркорлар ва ОАВ ходимлари иштирок этди. Шунингдек, “Hamkorbank” АТБ Бошқарув раиси ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи Алишер Мухторов қатнашди. Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган хизматлар ва маҳсулотлар тақдироти ўтказилди. Меҳмонлар филиалда яратилган шароитлар ва хизмат турлари билан танишдилар.

Филиалнинг профессионал жамоаси аҳолига молиявий масалаларда



маслаҳатлар беради ҳамда энг мос банк маҳсулотларини танлашда ёрдам кўрсатади.

Манзил: Тошкент ш., Миробод тумани, Эски Сарикўл кўчаси, 101/1.

СЕРГЕЛИ АҲОЛИСИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ УЧУН ЯНГИЛИК



“Hamkorbank” офислари тармоғи яна биттага кўнайди. Биз сизга янада яқинроқ бўлдик.

Мустақиллик байрами арафасида Сергели банк хизматлари офисининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги БХО билан банкнинг хиз-

матлар кўлами кенгайди ва мижозларга қулайликлар яратилди.

Мижозларнинг молиявий эҳтиёжларини қондириш билан бир қаторда, ҳудудий жиҳатдан уларга яқин бўлиш “Hamkorbank” АТБнинг асосий мақсадларидан бири. Айнан шунинг учун ҳам Сергели банк хизматлари офисини очиш қарори қабул қилинди. Янги офис замонавий услубда жиҳозланган, мижозларга сифатли ва намунали хизмат кўрсатиш қулайликларига эга. Тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли учун ҳам барча турдаги банк хизматлари тақдим этилади.

Манзил: Тошкент ш., Сергели тумани, Сергели 8, 2-уй.

“Hamkorbank” — Биргаликда юксалиш сари!

ва хизматларни назорат қилиш, чекланган муҳитда (камров ҳудуди, синов даври, операциялар ва хизматларнинг сони ва (ёки) ҳажми, истеъмолчилар сони ва бошқалар) синовдан ўтказиш имконини беради.

2022 йил, август

Мустақиллигимизга
31
йил

“НАМКОРБАНК” АТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ БАХТИЁРЖОН ЖЎРАЕВНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 31 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Хурматли ҳамкасблар!

Айни кунларда мамлакатимизда Мустақиллигимизнинг ўттиз бир йиллиги кенг тантана қилинмоқда. “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғоя остида ўтказилаётган байрам тадбирларида истиклол йилларида эришган ютуқларимиз, давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрни тобора юксалиб бораётгани ўз ифодасини топмоқда.

Мустақиллигимизга тенгдош бўлган “Hamkorbank” ходимлари учун қўшалок байрам: биз 31 ёшга тўлдик. Мустақил Ўзбекистон билан тенг қадам ташлаётган жамоамиз учун ўтган давр муваффақиятларга бой бўлди, 47 та филиал ва 100 дан ортиқ банк хизматлари офисларига эга бўлган чет эл капитали иштирокидаги салоҳиятли молия муассасасига айланди.

Байрам арафасида молия тармоқларимиз сафи янада кенгайди. Тошкент шаҳрида Миробод филиали ва Сергели банк хизматлари офисининг очилиши улуг байрамга муносиб совғамиздир. Бу билан пойтахт аҳолисига сифатли банк хизмати кўрсатиш имкониятимиз янада кенгайди.

Бугун шуни ишонч билан айтиш лозимки, ўтган

вақт ичида эришилган ютуқлар аҳил жамоамиз томонидан сифатли ва замонавий хизмат кўрсатиш бора-сида ўзига хос мактаб яратилганини кўрсатади. Банк тизимининг ривожланишида янгиликлар ва инновацияларни жорий қилиш, тижорат банклари фаолиятини жонлантиришга муносиб ҳисса қўшдик.



2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, туб ислохот жараёнларини янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг кадри, шаъни ва ғурурини етакчи ўринга олиб чиқишда биргаликда қадам ташлаймиз. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлиги ва бўлинмаслигини таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Қадрли ҳамкасблар!

Сизларни, Сизлар орқали барча ҳамкорлар ва мижозларимизни тобора яқинлашиб келаётган байрамлар билан табриклайман! Манфаатли ҳамкорлигимиз ва бизга бўлган ишончингиз бардавом бўлишлигига тилакдошман.

Байрам муборак бўлсин!

УШБУ СОНДА:



Банк структурасидаги ўзгаришлар



ТАЙИНЛОВЛАР

Банк бошқарувининг 2022 йил 29 июль кунги 288/К - сонли буйруғига асосан, Мухтаров Алишер Косимович 2022 йил 1 августдан “Hamkorbank” АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи этиб тайинланди.

Банк бошқарувининг 2022 йил 11 август кунги 308/К - сонли буйруғига асосан, Мамасалиев Шерзодбек Орифжонович 2022 йил 11 августдан “Hamkorbank” АТБ Хазина департаменти директори лавозимига тайинланди.



ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

ҚАТАРДАГИ “FIFA WORLD CUP- 2022”ГА ПАРВОЗ ЭТАМИЗ



“Hamkorbank” VISA картасининг эгалари учун ажойиб имконият:

korzinka.uz дўконлар тармоғидан камида 100 000 сўмлик харидларни VISA картангиз билан амалга оширинг. Айнан сиз “FIFA World Cup-2022” футбол бўйича жаҳон чемпионатининг ярим финалига икки кишилик саёҳат ютуқли ўйини ғолиби бўлишингиз мумкин.

Футбол вақти келди, имкониятдан фойдаланинг!
Акция 2022 йил 15 сентябрга қадар давом этади.

Диққат, фирибгарлар!

ЁЛҒОН “СМС”ЛАРГА ИШОНМАНГ

Фирибгарлар “Hamkorbank” томонидан 700 000 сўм ютуқли “Бахтли мижоз” акцияси ўтказилаётгани ҳақида ёлғон СМС-хабарлар жўнатишни бошлашди. Хабарда сохта сайт ҳаволаси ҳам мавжуд бўлиб, у пластик карточкалар маълумотларини йиғиш ва кейинчалик улардаги маблағларни ўғирлаш учун яратилган.

Бундай хабарлардан эҳтиёт бўлинг. Барча акциялар ва ютуқли ўйинлар банк сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида эълон қилиб борилади. Уларга обуна бўлинг.

Агар сиз фирибгарлар юборган ҳавола орқали рўйхатдан ўтган бўлсангиз, зудлик билан картангизни блокланг ёки ундаги пулларни бошқа картага ўтказинг.



SMS-xabarlar tarqatish — firibgarlikning yangi usuli!

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ



Давлатимиз раҳбари “Тадбиркорлар кунин” муносабати билан соҳа вакиллари билан бир гуруҳига давлат мукофотларини топширди ва уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан 5 та йўналишда ташаббусларини билдирди.

Корхоналар йиллик айланмаси бўйича тоифаларга ажратилади:

- 1 миллиард сўмгача бўлгани – микро бизнес;
- 10 миллиард сўмгача бўлгани – кичик бизнес;
- 100 миллиард сўмгача бўлгани ўрта бизнес.

Мулоқотда кичик ва ўрта бизнес учун энг муаммоли масалалардан бири қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва қайтариш билан боғлиқлиги таъкидланди.

Юртбошимиз 2021 йилги тадбиркорлар билан мулоқотида бизнес учун солиқ юкини тушириш сиёсатини давом эттириб, шундай деган эди:

“Очиқ айтишим керак, “иктисодиёт пандемия туфайли ҳали тўлиқ тикланмади, жаҳон иқтисодиётидаги вазият яхши эмас, шу сабабли буни кейинга қолдирайлик”, деб таклиф берганлар ҳам бўлди. Лекин сизларни ишонтириб айтман: биз ислохотлар йўлидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз ва 2023 йил 1 январдан бошлаб қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоизга туширамыз!”.

КОМПЛАЕНС ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Марказий банк томонидан август ойида КРМГ ва E&Y консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда “Тижорат банкларида комплаенс тизимини такомиллаштириш” мавзусида ўқув-семинарлари ўтказилди.

Унда хорижлик экспертлар ўзларининг назарий ва амалий тажрибаларини бўлишишди. Тижорат банклари вакиллари рискни бошқаришнинг асосий операцион модуллари ва сўнгги йилларда қўлланилиб келаётган усуллар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Иштирокчилар саволларига экспертлардан батафсил жавоблар олишди. Шунингдек, банкларнинг комплаенс тизимида мижозларнинг рискларини индивидуал баҳолаш усуллари ҳамда ходимларнинг билим ва кўникмаларини ошириш юзасидан фикр алмашдилар. Янги модулларни жорий этиш, иш сифатини оширишда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни муҳофама қилдилар.

Филиалимиз 2018 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Қисқа вақтда энг йирик ва мижозлари кўп молия муассасалари қаторидан жой олиш учун астойдил меҳнат қилдик. Илк даврдаёқ, яъни 2019 йил учун белгиланган режалар ортиси билан бажарилди. Шундан буён бу анъанага айланган.

МУВАФФАҚИЯТЛАР АНЪАНАГА АЙЛАНГАН



Айни пайтда ўз ишини севган, билимли ва зукко мутахассислардан иборат жамоамиз “бир ёқадан бош чиқариб” ишлаб келмоқда. “Hamkorbank” АТБ ташкил топганига 30 йил тўлиши муносабати билан филиал жамоаси Банк Кенгаши томонидан муносиб тақдирланди. Бунга осонлик билан эришилмади, албатта.

Бугун фаолият кўрсатаётган банклар талайгина. Мижоз талаб-истаклари ҳам ўз-ўзидан шунга қараб шакллантирилади. Филиалимиз тумандаги 10 та молия муассасаси қаторида ўз мижозларига эга. Шундай бўлишига қарамай жамоамиз доим изланишда. Ҳозирда 50 дан ортиқ хизмат тури мавжуд. Фойда кўрсаткичларимизнинг юқорилиги билан фахрлансак арзийди. Ўсиш кўрсаткичлари охириги 3 йилда анча ортганини кузатиш мумкин. Биргина омонатлар миқдори 2416 дан 2574 га ва жорий йилда 3212 га етди. Энг кўп кредит маблағлари ажратилган “Mingyuan silu industry” МЧЖ хусусий корхонаси доимий мижозимиз. “Jahon yuksalish tekstil” МЧЖ доимий қўллаб-қувватлашимиз асносида ўзини тиклаб олган корхона ҳисобланади. Унга ажратилган 1 741 000 АҚШ доллари ўз вақтида сўндирилган. “Saff textile”

МЧЖ га 1 624 000 Евро миқдорида лизинг ажратилган. “Real production” МЧЖ, “Issiqlik elektr stansiyalari” ҳамда “Mingyuan silu industry” МЧЖ хусусий корхоналари ҳам ВВП мижозлар қаторидан жой олди.

Ходимларимиз ўз ишига масъулият билан ёндошади. Узоқ йиллардан буён касса мудираси сифатида ишлаб келаётган Фотима Ниязметованинг фаолияти ёшлар учун ўрнак. Ҳамза Раҳмонов доим ташаббускор. У шу йилнинг июль ойида энг кўп автокредит ажратган ходимлар танловида биринчи ўринни эгаллади. Азимжон Мадрахимов эса яқинда банк молия академиясини имтиёзли тамомлаб келди.

Жорий йилнинг июль ойини энг кўп автокредит ажратган ходимлар танловининг ғолиби сифатида яқунладик.

Аҳолининг бандлигини таъминлашга ҳам ўз ҳиссамизни қўшиб келямиз. 23 та корхона ва ташкилотларга 61 525 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратиш орқали 155 та иш ўрни яратилгани қувонарли.

Умуман олганда, ҳар бир кунни муваффақият билан яқунлаш биз учун қоидага айланган.

Умиджон НАРЗИЕВ,
Учтена филиали
бошқарувчиси.

КЎРСАТКИЧЛАР ЮҚОРИ

“Hamkorbank” АТБ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар туфайли хизматлар турлари кенгайиб, тадбиркорлар ва аҳоли учун молиявий очиқлик ошииб бормоқда. Жумладан, филиаллар тасарруфиди бўлган банк хизматлари офисларининг хизмат кўрсатиш ҳажмлари кун сайин ортиб борапти.

Кенг ва замонавий офисда ҳар қандай мижоз ўз бизнесини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар олиш, экспорт-импорт амалиётлари, ҳисоб-китоб ва касса хизматларини амалга ошириш каби имкониятларга эга. Жисмоний шахслар уй ва хонадонлар, автомобиллар ва бошқа истеъмол эҳтиёжлари учун кредит олишда филиалларга эмас банк хизматлари офисларига мурожаат қилишлари мумкин. Кува банк хизматлари офиси ана шундай молия ташкилотларидан бири. Бугунги кунда Кува тумани аҳолисининг 20 фоизини қамраб олган.

2009 йилда ташкил қилинган ушбу кичик молия муассасаси ҳозирда депозит ҳисобварақлар очиш, омонатлар қабул қилиш, тўловларни ва халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, валюта айирбошлаш, истеъмол креди-



ти ва микроқарз бериш, хизмат кўрсатиш ҳудудидаги талабдан келиб чиқиб бошқа қўшимча хизматларни амалга оширади.

“Шахризода Сайдиҳон” кичик корхонаси автомобилларга бензин ва газ қуйиш хизматини бажаради. Мазкур корхона БХОнинг энг намунали мижози саналади. Унинг қаторида “Quva tax hamkor” ҳамда “Кува метан” масъулияти чекланган жамиятлари ҳам бор. Уларнинг фаолиятини ривожланишида БХОнинг ҳиссаси катта.

Дониёрбек Аъзамов ёш, истеъдодли ва изланувчан раҳбарлардан. У 2021 йилдан буён жамоага бошчилик қилиб келади. Шохжаҳон Холматов энг жонқуяр ходимлардан. Ўтган ой якуни бўйича универсал менежер сифатида 3-ўринни қўлга киритди. Мусоҳон Йигиталиев касса амалиётлари бўлимида хизмат юритади. Нақд пул билан боғлиқ фаолият зийракликни талаб этади. Мижозлари энг кўп бўлим ҳам шу. Жамоанинг саъйи ҳаракати билан ҳозирда 200 дан ортиқ юридик, 5000 га яқин жисмоний мижозларига эга бўлган БХО кўрсаткичлари ўтган йилдаги нисбатан юқори.

— 2021 йилнинг шу даврида банкимиз фойда режасини бажара олмаган эди. Бу йил кўрсаткичларимиз юқори. Шу кунга қадар фойда режасини 140 фоизга бажардик, — дейди БХО раҳбари.

Жамоада ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш маданияти ва уларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада оширишга замин яратувчи соғлом муҳит яратилган. Бу ютуқлар омили бўлмоқда.

Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.